ШИМОЛИЙ КАВКАЗ СУРГУНИДАГИ “ҚУЛОҚ”ЛАРНИНГ ЮРТГА ҚАЙТИШИ

Р.Т.ШАМСУТДИНОВ, Н.НУРМАТОВ

В статье на основе архивных документов освещена судьба соотечественников, высланных в процессе раскулачивания на Северный Кавказ.

In this article was mentioned the basis of archive documents which described the life of compatriots who sent as kulaks in that period to North Caucasus.

Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият- енгилмас куч” номли асарида халқимиз ўзининг кўп асрлик тарихи давомида кўплаб машъум хатарларни неча бор кўргани, уларнинг жабру жафосини тортгани ҳақида тўҳталиб, **“ана шу фожеали ўтмиш, босиб ўтган машаққатли йўлимиз барчамизга сабоқ бўлиши**” [1.4-5] кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтгандилар. Айни вақтда И.А.Каримов миллатимиз, халқимизнинг яқин ўтмиш тарихидаги ёпиқ саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантириш, бегуноҳ қурбон бўлган инсонлар хотирасини абадийлаштириш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз эканлигини таъкидлаганлар.

Совет режими давридаги тарихимизнинг мислсиз аламли ва қайғули саҳифаларидан бири 20–30-йиллардаги қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва шу асосда қулоқлаштириш ҳамда қулоққа тортилган деҳқонларни сургун қилиш, қатағон қилиш эди.

Ўз вақтида қизил салтанатнинг энг юқори эшелонларида мартабали мансабни эгаллаб, мафкуравий-маънавий ҳаётга бошчилик қилиб турган арбоб, академик А.Н.Яковлев ҳам бу фожеани таҳлил этиб, **“большевизм Россия деҳқонларини йўқ қилгани учун жавобгарликдан қочиб қутула олмайди. Деҳқонлар Россиясининг маънавиятини, унинг анъана ва одатларини оёқости қилди. Қишлоқдаги ишлаб чиқарувчи кучларга шу қадар зарба берилдики, мамлакатни боқиш учун ҳозирда хориждан озиқ-овқат олишга мажбур бўлинмоқда”** деб куюниб ёзган эди [2.11-12]. Ўзбек олимаси, академик Р.Х.Аминова коллективлаштириш қашшоқлаштириш эканини исботлаб берди [3].

ВКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси 1931 йил 20 июнда Ўрта Осиёдан қулоқларни кўчириш тўғрисида қарор қилиб, қулоқлар бўйича комиссия раиси, СССР Халқ комиссарлари совети раиси ўринбосари А.А.Андреев тақдим этган қарор лойиҳасини тасдиқлайди. Унда шундай дейилган: “ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг котиби К.Я.Бауманнинг Ўрта Осиёдан 6 минг қулоқ хўжалигини, жумладан, 3 мингини Украина ҳудудига, 3 мингини Шимолий Кавказга кўчириш ҳақида С. Косиор (ВКП(б) Украина Марказий комитети биринчи котиби) ва Б.П.Шеболдаев (Шимолий Кавказ ўлка партия комитетининг биринчи котиби)лар билан келишилган таклифи маъқуллансин. Бу қулоқ хўжаликларини Украина ва Шимолий Кавказга жойлаштириш ОГПУ раиси ўринбосари Е.Г.Евдокимовга топширилсин”. Шу қарордан келиб чиқиб, ОГПУ раиси ўринбосари Г.Г.Ягода ва ОГПУ бошқарма бошлиғи Е.Г.Евдокимов 21 июнда Тошкентга, ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакили Г.П.Матсонга йўллаган телеграммада Ўрта Осиёдан 6 минг қулоқ

хўжалигини кўчиришга қарор қилингани, 3 минг оилани Шимолий Кавказ ўлкасига, яна 3 минг оилани Украинага жўнатиш зарурлиги билдирилади.

Г.Г.Ягоданинг 1931 йил 30 июнда Тошкентга Г.П.Матсонга йўллаган телеграммасида эса маҳаллий миллат бойларини кўчириш операциясини амалга оширишда ниҳоятда қаттиқ назоратни максимал таъминлаш учун барча чораларни кўриш, қулоқ-бойларни кўчиришни асосан пахтачилик районларида, пахта етиштиришни биладиган жойларда амалга ошириш, кўчириш операциясини бошлаш муддати кўчириладиганларни жойлаштириш жойи аниқлангач, бир-икки кун ичида қўшимча хабар қилиниши айтилган. В.А.Каруцкийнинг 1931 йил 28 августдаги "Қулоқ хўжаликларини қўлга олиш ва сургун қилиш ишининг бориши тўғрисида қисқача ахборот"ида қулоққа тортиш ва сургун қилиш операциясининг ўтказилиш тафсилоти батафсил берилган.

Ўзбек, тожик, қозоқ "қулоқ" хўжаликлари ортилган 603, 605, 606, 609, 611, 613, 617, 619 рақамли эшелонлар Термиз, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Каттақўрғон станцияларидан йўлга чиқиб, Чоржўй орқали Красноводск порт шаҳрига келади. Бу ерда улар пароходга жойлаштирилиб, бир қисми Боку шаҳрига, бир қисми Махачқалъага келтирилади. Сўнг поезд борадиган охирги темир йўл станцияси – Прикумск (ҳозирги Будёновск)да "қулоқ"лар араваларга жойлаштирилиб, 40-50 км масофадаги Николо-Александровск, Ново-Романовка каби чўл-дашт қишлоқларга қуролланган соқчилар кузатувида олиб борилади. Тахминан 1931 йил 20 августда йўлга чиққан "қулоқ"лар поезд, пароход, арава транспорт воситалари билан 20-22 сентябрда охирги манзилгоҳлари – "қулоқлар сургуни" қишлоқларига етиб келиб жойлашадилар. Бу йўл саргузаштлари, азоблари ниҳоятда оғир, мушкул ва фожеали кечган.

Шимолий Кавказ ўлкасига Самарқанд вилоятининг Юқори Дарғом районидан 250 оила 1152 жон, Пайариқ районидан 50 оила 447 жон, Каттақўрғон районидан 75 оила 349 жон, Қорадарё районидан 125 оила 678 жон, Нарпай районидан 200 оила 1053 жон, жами 700 оила 3680 жон; Бухоро вилоятининг Ромитан районидан 150 оила 632 жон, Вобкент районидан 147 оила 755 жон, Янги Бухоро районидан 69 оила 258 жон, Ғиждувон районидан 34 оила 187 жон, Бауман (Шофиркон) районидан 102 оила 647 жон, Қоракўл районидан 75 оила 633 жон, жами 691 оила 3820 жон; Сурхондарёнинг Жарқўрғон районидан 50 оила 269 жон, Сариосиё районидан 25 оила 112 жон, Денов районидан 25 оила 101 жон, жами 100 оила 482 жон қулоқ хўжаликлари сифатида Шимолий Кавказга сургун қилинганди. Шунингдек, Тожикистоннинг 15 та районидан 737 оила 3003 жон, Туркманистоннинг Тошҳовуз районидан 430 оила 2332 жон ҳам Шимолий Кавказ ўлкасига сургун этилган. Бу уч республикадан Шимолий Кавказга сургун қилинганларнинг умумий сони 2658 оила 13843 жонни ташкил қилади [4.213-215].

Бу оилалар ва уларнинг аъзолари номма-ном аниқланмаган, уларнинг қайси район, қайси қишлоқдан экани тарихий адабиётларда ҳозиргача келтирилмаган. Тўғри, бу масалага оид фақат айрим маълумотлар аввалги илмий экспедициялар давомида келтирилган, лекин улар фожиа манзарасини тўла ёритиш учун кам, бунинг учун зарур материалларни архивлардан топишнинг имкони бўлмаётган эди. Шу боис 2011 йил 3 – 24 июль кунлари "Мерос" халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси уюштирган сафар давомида Ставрополь ўлкасининг Левокумск районидаги Николо-Александровск, Арзгир районидаги Ново-Романовка посёлкаларида бўлиб, Левокумск район давлат архивида изланишлар олиб бордик.

Ўзбек, тожик, туркман қулоқлари жойлаштирилган бу худуд жануб ва шарқдан Чеченистон, шарқ ва шимолдан Қолмиқ Республикаси билан чегарадош. Прикумск (ҳозирги Левокумск) райони Николо-Александровск қишлоқ советидаги "Красный луч" (Қизил ёғду) қишлоқ хўжалик артелининг 1947 йилдаги аъзолар ва уларнинг оилаларини ҳисобга олиш китобида Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистондан сургун қилиниб, бу жойда ҳаёт кечираётган оилалар ҳақида маълумотлар келтирилган [6]. Бу оилалар ва уларнинг аъзолари 1946-1949 йиллари ўз она юртларига қайтганлар (иловада уларнинг бир қисми берилмоқда).

Дафтарда қайд этилган 104 оилада 309 жон бўлиб, уларнинг 264 нафари ўзбек, 29 нафари тожик, 16 нафари туркман миллатига мансуб эди. Оила бошлиқларидан 70 нафари эркак, 34 нафари аёл бўлган. Оила аъзоларининг 85 нафари шу махсус посёлкада туғилган. Уруш бошлангандан сўнг меҳнат кўчкиндиларидан 11 киши фронтга, 27 киши фронт ортидаги меҳнат армиясига олинган. Ҳар бир оилада ўртача 3 кишидан аъзо қолган. Шундай ҳолатни "Советский хлопкороб", "Заря Востока", "Вперед" колхозларидаги ўрта осиёлик меҳнат кўчкиндилари мисолида ҳам кузатиш мумкин. 1931 йил Самарқанд, Бухоро, Термиз, округларидан, Тожикистон, Туркманистондан бу жойга келтирилган қулоқ хўжаликларининг ҳар бирига ўртача 5 дан зиёд оила аъзолари тўғри келган эди. Демак, ҳар 5 меҳнат кўчкиндининг икки нафари юртга қайтмаган ва ҳар хил сабаблар – очарчилик, оғир касаллик, тинка мадорни қуритадиган меҳнат, такроран қатағон домига тортилиш оқибатида, уруш жангоҳлари ёки меҳнат фронтларида ҳалок бўлганлар, айримлари кексаликдан ўз ажаллари билан вафот қилганлар, баъзи бирлари эса сургундан қочиб кетганлар.

1943 йилда олинган рўйхатга қараганда, Николо-Александровскда 140 та ўзбек ва тожик оилалари

бўлган, улар сафидан армияга олинганлар 90 кишини ташкил қилган. Улар қуйидагилардир: **Бобоназаров Эргаш** (1918), **Жумаев Усмон** (оила бошлиғи), **Жўраев Норбой** (1903, оила бошлиғи), **Зоиров Оттуғди** (1902, оила бошлиғи), **Инаятов Хабиб** (1912, оила бошлиғи), **Исоқов Хожи** (оила бошлиғи 1871 йили туғилган **Исоқов Иброҳим**нинг ўғли), **Қиличов Холмурод** (1915, оила бошлиғи), **Каримов Жумақул** (1924 йили туғилган, оила бошлиғи 1867 йилда туғилган **Каримова Ойсора**нинг ўғли), **Комилов Самат** (1914, оила бошлиғи), **Қурбонов Ортиқ** (1924, оила бошлиғи), **Қўлдошов Ахад** (1917, оила бошлиғи), **Қурбонов Қандим** (1922 йили туғилган 1872 йилда туғилган оила бошлиғи **Қурбонов Махмуд**нинг укаси), **Қиличов Умар** (оила бошлиғи), **Қиличов Ғани**, **Қамаров Маҳмуд** (оила бошлиғи), **Қаҳоров Ёкуб** (1876 йилда туғилган, оила бошлиғи Қахоров Қаюмнинг ўғли), **Қодиров Файзилло** (1912, оила бошлиғи), **Қодиров Фозил** (1872 йили туғилган Қодирова Хидоятнинг ўғли), **Қосимов Абдусалом** (1872 йили туғилган оила бошлиғи Қосимов Қурбоннинг ўғли), **Латипов Вали** (1902, оила бошлиғи), **Мелихалов Нодирбек** (1911, оила бошлиғи), **Мавлонов Омон** (1909, оила бошлиғи), Мирзаев Рамазон (1907, оила бошлиғи), **Мавлонов Хамрақул** (1894, оила бошлиғи), **Мутахоров** (Мухторов бўлиши мумкин – Р.Ш.) **Ҳамро** (1905, оила бошлиғи), **Наврўзов Эргим** (Эргаш, Эркин бўлиши мумкин – Р.Ш.) (1915, оила бошлиғи), **Нурматов Шокир** (оила бошлиғи), **Намозов Ризо** (1909, оила бошлиғи), **Намозов Норқўзи** (1911), **Назаров Сотқин** (1923, оила бошлиғи), **Раджапов Халил** (1902, оила бошлиғи), **Раҳмонов Бозор** (1907, оила бошлиғи), **Расулов Отақул** (1923 йили туғилган, 1907 йилида туғилган оила бошлиғи Расулов Мелининг жияни), **Ризаев Даврон** (1912, оила бошлиғи), **Расулов Неъмат** (1914, оила бошлиғи), **Рўзиев Шукур** (1909, оила бошлиғи), **Раҳимов Саид** (1917 йили туғилган, 1879 йили туғилган оила бошлиғи Раҳимов Наимнинг ўғли), **Саидов Раҳмат** (1885, оила бошлиғи), **Сулаймонов Дисунбой** (1915, оила бошлиғи), **Субханов Усман** (1908, оила бошлиғи), **Раджапов Абдулло** (оила бошлиғи), **Рустамов Тўра** (оила бошлиғи), **Раҳимов Ниёз** (1910 йили туғилган, 1875 йили туғилган Раҳимов Қодирнинг ўғли), **Турсунов Худоёр** (1913, оила бошлиғи), **Ўринов Пирназар** (1907, оила бошлиғи), **Умаров Ҳошим** (Хосил) (1904 йили туғилган, оила бошлиғи, унинг укаси Ғофир 1918 йили туғилган), **Умаров Сайдулло** (оила бошлиғи ва унинг 1920 туғилган укаси Файзулло), **Файзиев Эшназар** (1888, оила бошлиғи), **Файзиев Сойибназар** (1904, оила бошлиғи), **Худайназаров Нуриддин** (1914, оила бошлиғи), **Хўжаев Ниёз** (1916, оила бошлиғи), **Холмуродов Муҳаммад** (1900, оила бошлиғи), **Хидиров Усмон** (1916, оила бошлиғи), **Худоёров Сапар** (1916, оила бошлиғи), **Азизов Карим** (оила бошлиғи).

Фашистлар босқини даврида Николо-Александровскдаги меҳнат кўчкиндиларининг маълум қисми душман томонига ўтиб, кейинчалик немис қўшинлари қизил армия зарбасидан чекиниб қишлоқдан чиқиб кетаётганида улар билан бирга Германия армиясида хизмат қилганлар ҳам бўлган. Улардан Дмитрий Власович Бекуленко, Михаил Николаевич Будлев (1924 йили туғилган), Никола Маркович Булиндин (1895 йили туғилган), Федр Федрович Пагин (1913 йили туғилган), Никита Романович Ильин (1888 йили туғилган), Иван Савельевич Мознянк (1920 йили туғилган), Мелихолов Ботир (1917 йили туғилган, тожик), Михаил Иванович Спировченко (1902 йили туғилган), Григорий Ефимович Слинько (1904 йили туғилган, оила бошлиғи), Андрей Савельевич Стадния (1914 йили туғилган, оила бошлиғи)ларни келтириш мумкин. “Советский хлопкороб” колхозида 1943 йили аксарият ўзбек, тожиклардан, қисман туркманлардан 160 хўжалик мавжуд бўлгани аниқланди. Улардаги одамлар сони 492 кишидан иборатлиги аниқланди. Хўжалик бошлиқлари аксариат аёллардан бўлган. Чунки хўжалик бошлиқлари армияга, меҳнат армиясига олинган эди. Ана шу 492 кишининг кўпи қариялар, ёш болалар, якка-ёлғиз қолган чол-кампирлар, бева қолган аёллар эди.

Қатағон азобларини сургун қилинган оилаларнинг каттаю кичиги баб-баравар тортганлар. Маълумки, қатағон амалиётида репрессия қилинган шахсларнинг аҳли аёллари учун алоҳида лагерлар, фарзандлари учун махсус лагерлар, болалар уйлари ташкил қилинган. Айни вақтда шўро бу борада мунофиқона сиёсат ҳам юргизди: пролетариат диктатураси бир қўли билан деҳқон хўжаликларини вайрон қилди, одамларни қулоққа тортиб сургун этди, қамади, ҳатто отиб юборди, иккинчи қўли билан эса уларнинг етим қолган болаларни тарбиялади, ўқитди, одамлар қаторига қўшди. Гўё бу билан инсонпарварлик сиёсатини юргизган бўлиб кўринди. Шу мақсадда, масалан, Шимолий Кавказ ўлкасида етим болалар учун 778 кишилик 7 та болалар уйи очилган. Улардан бири ўзбек, тожик, туркман меҳнат кўчкиндилари яшаётган Николо-Александровскдаги 26-сонли болалар уйи эди.

Албатта, шўронинг бундай “марҳамати”га сазовор бўлганлар денгиздан томчи мисоли, холос. Шундайлардан бири ҳозирда профессор, тарих фанлари доктори, фан арбоби Ғафур Ҳайдаровдир. “Биз ака-укалар,- деб эслайди бу отахон, - Ставрополь ўлкасидаги 26-сон болалар уйида кўрган эътибор ва эъзозни ҳеч қачон унутмаймиз ва бу борада советлар ҳокимиятидан ўзимизни қарздор деб биламиз, шунинг учун ҳам Ватан равнақи йўлида узоқ ҳаётимиз давомида ҳалол меҳнат қилиб, бу қарзни тўлашга ҳаракат қилдик [5.235]”.

Биз бу галги сафаримизда Левокумск муници-

пал район архивида 26-сон болалар уйининг 1947 йилга оид ҳужжатлари билан танишдик. Болалар уйи ходимлари қаторида **Нур Эрматов –** 1929 йилда туғилган, тожик, саводли, отбоқар; **Нормурод Сайдуллаевич Рашитов -** 1928 йилда туғилган, ўзбек, саводли, чўпон; **Муҳаммад Маҳмудов -** 1896 йилда туғилган, ўзбек, чала саводли, чўпон бўлиб ишлагани маълум бўлди.

Болалар уйи директори 1947 йил 30 апрелдаги буйруғида қишнинг оғир кунларида ҳайвонларни сақлаб қолишдаги ҳалол, виждонли ишлари учун чўпон Муҳаммад Маҳмудовни бир бош она-бола қўй, бир кўйлак ва 2 метр газлама билан тақдирлагани, 1947 йил 19 июлдаги буйруғи билан 1 августдан бошлаб М.Маҳмудовни хўжалик бўйича мудир вазифасига қўйгани акс эттирилган [7.1-7].

“Красный луч”қишлоқ хўжалик артели аъзолари ва уларнинг оила аъзоларини ҳисобга олиб бориш бўйича 1947 йил учун тутилган журналда 26-сон болалар уйида тарбия топиб колхозга кирганлар рўйхатида юртдошларимиздан 26 нафари борлиги маълум бўлди. Мана улар: **Муллаханов Сабот (**1925) **Собирова Барфи** (1925), **Қурбонов Асатулло** (1922), **Сафаров Рўзи** (1919), **Ражабов Болта** (1923), **Ҳайдаров Шодиражаб (**1924 йилда туғилган, ўзбек; **Жўраева Хол**, 1919 йилда туғилган, тожик; **Қиличев Бобо**, 1921 йилда туғилган, тожик; **Муратов Чоршанби**, 1919 йилда туғилган, ўзбек, **Мирзаев Жўрақул,** 1922 йилда туғилган, ўзбек; **Раҳимов Аҳмад**, 1924 йилда туғилган, тожик; **Раҳимов Бурхон**, 1926 йилда туғилган, тожик; **Мўминов Усмон,** 1924 йилда туғилган, тожик; **Аҳмедов Ибод**, 1923 йилда туғилган; Сўпиев Ғани, 1922 йилда туғилган, тожик; Ҳамраев Бекмурод, 1925 йилда туғилган, ўзбек; **Пиров Умар**, 1925 йилдв туғилган, тожик; **Шарипов Шахоб**, 1924 йилда туғилган, ўзбек; **Миров Абдулхай**, 1927 йилда туғилган, ўзбек; **Рўзиева Иззат**, 1922 йилда туғилган, ўзбек; **Рустамова Ўрин**, 1926 йилда туғилган, ўзбек; **Хамраева Тош**, 1926 йилда туғилган, ўзбек; **Бойқулова Тукма**, 1928 йилда туғилган, ўзбек; **Мирзакаримова Ашургул**, 1930 йилда туғилган. Улар Нарпай, Каттақўрғон, Жарқўрғон, Ромитан, Самарқанд шаҳридан, Қоракўлдан ва бошқа жойлардан бўлган [7.41].

Тожикистоннинг Кўктош қишлоғидан бўлган **Санам Хидирова (**1925 йилда туғилган, тожик**),** Ўзбекистоннинг Комсомолск райони Бахзалон қишлоғидан бўлган **Муаззам Иброҳимова,** Арабхона қишлоғидан бўлган **Ибодат Сапарова,** Ўзбекистоннинг Бойсун райони, Бойсун қишлоғидан бўлган, **Ойжамол Қосимова (**1924 йилда туғилган**),** Ўзбекистоннинг Қорадарё райони Сарбадоз қишлоғидан бўлган **Гулсун Жиянова (**1924 йилда туғилган**)**лар ҳам ана шу 26-сон болалар уйида тарбия топиб, ўқиб, колхозга аъзо бўлиб кирганлар.

Мазкур рўйхатдаги шахсларни таниган, билган ва эслаганлар, ҳозирда ҳаёт бўлмиш қатағон азобини тортган инсонлар, уларнинг ўғил-қиз, набира, чеваралари, қариндошлари ва яқинларидан коллективлаштириш, қулоққа тортиш, сургун қилиш ва уларнинг фожеали оқибатларини янада рўй-рост очиб бериш, бузилган тарихимизни ўз жойига қўйиш мақсадида Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси (тел.: 8-374-225-54-54) ёки “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедицияси хайрия жамғармаси (тел.: +99890253-26-32, факс: 8-374-225-54-54) билан боғланишларини илтимос қиламиз. Биз Шимолий Кавказга сургун қилинган юртдошларимизнинг оғир тақдири, қисмати ҳақидаги маълумотлар, суратлар, ҳужжатлар, эсдаликлар ва бошқа ёдгорликларни жамлаб алоҳида китоб қилиш ниятидамиз.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008
2. Черная книга коммунизма.- Москва: Три века истории, 2001
3. Аминова Р.Х. Коллективлаштириш – қашшоқлаштириш демак. // Шарқ юлдузи.- 1992.- № 12
4. Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида).- Т.: Шарқ, 2003
5. Шамсутдинов Р., Мамажонов А. Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати.- Т.: Шарқ, 2005
6. Ставрополь ўлкаси Левокумск район давлат архиви, 88- фонд, 1-рўйхат, 28 –иш
7. Левокумск муниципал район архиви, 14 –фонд, “1”, 2- рўйхат, 2- иш, 1-7- варақлар

ИЛОВА

Арзгир райони Николо-Александровск қишлоқ советидаги “Красный луч” қишлоқ хўжалик артелининг 1947 йилдаги колхоз аъзолари ва уларнинг оилаларини ҳисобга олиш китобида қайд этилган юртдошларимиздан бир гуруҳининг рўйхати

1.**Гаюбова Бодоммомо** (1872) – оила соҳиби, тожик, Сталинободдан (ҳозирги Душанбедан).

2.**Гадоева Қундуз (**1889) – оила соҳиби, тожик, Панжикентнинг Лошар қишлоғидан; ўғли – Юнус (1926), 1942 йилда армияга олинган, ўғли – Ражаб (1926).

3.**Гулов Ражаб** (1902) – оила соҳиби, ўзбек, Бухоро вилояти Вобкент райони Жагарм қишлоғидан;

4.**Ғайбуллаев Ражаб** (1916) – оила соҳиби, ўзбек, Бауман (Шофиркон) райони Дутарарбхун қишлоғидан.

5.**Жалилов Убайдулло** (1905) – оила соҳиби, ўзбек, Бешарикдан; хотини – Бахринисо (1911), ўғли – Сайфулло (1939), укаси – Бурхон (1923).

6.**Жабборова Жумагул (**1898) – оила соҳибаси, ўзбек; қизи – Пўлатхон (1925), меҳнат кўчкиндилигидан 1942 йил мартида чиқарилган;

7.**Жўраева Норбиби** – маълумот ўчиб кетган, меҳнат кўчкиндилар сафидан 1942 йилда чиқарилган. 8.**Жўраева Хол** (1924) – оила соҳибаси, тожик, Бухородан.

9.**Эгамова Тўти** (1915) – оила соҳибаси, ўзбек, Самарқанд вилояти Қорадарё райони Оғалик қишлоғидан, 1942 йил 1 мартда вафот этган; онаси – (Асал), меҳнат кўчкиндилигидан 1942 йил августида чиқарилган.

10.**Қодирова Ҳурсан** (1900) – оила соҳибаси, ўзбек, Бухоро вилояти Бауман райони Шофиркон қишлоқ совети Калмакан қишлоғидан; қизи – Саида (1925), меҳнат кўчкиндилигидан 1942 йил мартида чиқарилган; қизи – Қумри (1926), 1944 йил 11 октябрда вафот қилган; қизи – Санобар (1927); ўғли – Боқо (1930); қизи – Шарофат (1936).

11.**Қурбонов Қодир** (1910) – оила соҳиби, тожик, Сталинобод вилояти Шохмансур қишлоғидан; хотини – Бибиражаб (1919) синглиси – Сайрам (1931), қизи – Хайринисо (1934), қизи – Гулвизор (1939), 1942 йил 13 январда вафот этган: ўғли – Абдуғаффор (1941).

12.**Кенжаев Сафо** (1873) – оила соҳиби, ўзбек, Бухородан; хотини – Маъқул (1883); қизи – Роҳат (1923), меҳнат кўчкиндилигидан 1942 йил февралида чиқарилган; қизи – Шарифа (1927).

13.**Қобилов Худойберди (**1898) – оила соҳиби, туркман, Қизил булоқнинг Макри манзилидан; хотини – Лола (1903); ўғли – Жўра (1939); синглиси – Хайит (1917), меҳнат кўчкиндилигидан 1942 йил августида чиқарилган.

14.**Каромадов Боборажаб** (1900) – оила соҳиби, тожик; хотини – Анорхон (1911), қизи – Хайит (1928), қизи – Аина (1939), ўғли – Қурбонзода (1941).

15.**Каримова Сангилишжон** (1880) – оила соҳибаси.

16.**Камолова Саидило** (1894) – оила соҳибаси, тожик, Бокивиш Кўктош қишлоғидан.

17.**Каримов Қилич** (1881) – оила соҳиби, тожик; хотини – Мастура (1895); ўғли – Ёқуб (1924); келини – Идимо (1892), жияни – Хаким (1927).

18. **Қобилов Дали** (1880) – оила соҳиби, ўзбек, Сармарқанд вилояти Юқори Дарғом райони Ўрта қишлоғидан; хотини – Тунук (1892); ўғли – Жума (1913); келини – Мулзам (1919); набираси – Ҳусан Мурод (1941).

19. **Каримов Бозор** (1890) – оила соҳиби, ўзбек, Бухоро вилояти Ғиждувон райони Арабхона қишлоғидан; хотини – Муборак (1892); қизи – Маърифат (1938); қизи – Махбуба (1940), 1941 йил 31 июлда вафот қилган.

20. **Кенжаев Сирож (**1901) – оила соҳиби, ўзбек, Самарқанд вилояти Юқори Дарғом райони Аликут қишлоғидан, 1942 йили 4 июлда армияга олинган; хотини – Қандол (1906); қизи – Зулайхо (1925); ўғли – Насриддин (1936); қизи – Нудрин (1941); укаси – Тожи (1919), меҳнат кўчкиндилигидан 1942 йил февралида чиқарилган.

21. **Мирсодиқов Содиқ** (1888) – оила соҳиби, тожик, Ўзбекистон ССР Бешарик райони, Бешариқ қишлоғидан; хотини – Қумри (1892); ўғли – Махсум (1923); қизи – Вариса (1926).

22. **Муллахолов Абдуфатто** (1897) – оила соҳиби, тожик, Тожикистоннинг Ўратепа райони Ўратепа қишлоғидан, сургундалигида қамоққа олинган; қизи – Рақат (1930); қизи – Бахбар (1927).

23. **Маҳмудов Неъмат** (1905) – оила соҳиби, ўзбек, Бухоронинг Навхас қишлоғидан, 1942 йили 6 июлида армияга олинган; хотини – Марҳамат (1910).

24. **Мирзаева Магип** (1892) – оила соҳибаси, ўзбек, Сурхондарё вилояти Жарқўрғон райони, Жарқўрғон қишлоқ советидан; қизи – София (1924), меҳнат кўчкиндиликдан 1941 йили сентябрда чиқарилган.; қизи – Хайзода (1926).

25. **Муқимова Орзи** (1880) – оила соҳибаси, ўзбек, Бухоронинг Дармак қишлоғидан; синглиси - Мўминова Бахри (1876), Бухоронинг Бауман (Шофиркон) райони Эпизаработ қишлоғидан.

26. **Ёқубов Комилжон** (1898) – оила соҳиби, ўзбек, Самарқанд вилояти Каттақўрғон райони Ҳожибек қишлоғидан, 1942 йил 6 июлда армияга олинган; хотини – Худойназарова Хушвақт (1916), меҳнат кўчкиндилигидан 1941 йил августда чиқарилган; онаси – Шарофат (1880); укаси – Йўлдош (1923), меҳнат кўчкиндилигидан 1942 йил мартида чиқарилган; келини – Маърифат (1925), меҳнат кўчкиндилигидан 1942 йил мартида чиқарилган.

27. **Яхшиев Нарзулла** (1917) – оила соҳиби, ўзбек, Бухоро вилояти Қоракўл райони, Жумабозор қишлоғидан; синглиси – Атасиган (1919), меҳнат кўчкиндилигидан 1941 йил августда чиқарилган; ўғли – Тош (1930).

Андижон давлат университети
2011 йил 5 сентябрда қабул қилинган